

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 792.42

ЭШПУЛАТОВ ЖАМШИД НУРАЛИЕВИЧ

**ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЕНГИЛ АТЛЕТИКА СПОРТ
ТУРИГА ИНТЕЛЕКТУАЛ ҚИЗИҚИШИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5А610501 – Спорт фаолияти (Енгил атлетика)

Магистр академик илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: п.ф.н. профессор в.б.
Р.Қ.Қудратов

ТОШКЕНТ – 2012 й

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МАВЗУ ДОИРАСИДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАМДА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ	8
1.3. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний тарбия ва спорт фаолиятига ҳамда энгил атлетика спорт турига мотивациясини шакллантириш.....	8
1.2. Энгил атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлик тушунчаларига ва жисмоний сифатларига изох.....	12
I.Боб бўйича хулоса.....	28
II БОБ. ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ	29
2.1.Тадқиқотнинг услублари.....	29
2.2. Илмий-услубий адабий манбаларни таҳлил қилиш ва амалий тажрибалар натижаларини умумлаштириш	29
2.3. Педагогик кузатишлар ва назорат тестлари.....	30
2.4. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлаш.....	30
2.5. Педагогик тажрибалар.....	31
2.6. Математик статистика услублари.....	31
2.7. Тадқиқотнинг ташкил этилиши.....	32
III БОБ. VII – VIII – IX СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ТАЖРИБАДА ИСБОТЛАШ...	33
3.1.Юқори синф ўқувчиларини жисмоний тарбия машғулотларига қизиқишини ортириш йўллари тажрибада исботлаш.....	33
3.2 VII - VIII – IX синф ўқувчиларни жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини тажрибадан олдинги ва тажрибадан кейинги кўрсаткичларини баҳолаш.....	41
3.3 VII - VIII – IX синф ўқувчиларни жисмоний тайёргарлиги тажрибадан олдинги ва тажрибадан кейинги кўрсаткичларини баҳолаш.....	57
Хулосалар	79
Амалий тавсиялар.....	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82-90

Кириш

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қомил инсонни тарбиялашга жумладан, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. Демак, давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама ва самарали ривожлантиришдан иборат.

Ҳаммамизга маълумки таълим-тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари, шакл ва усуллари такомиллашиб бормоқда. Жамиятимизда бундай ўзгаришларнинг содир бўлиши таълим тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашни талаб қилмоқда.

Шунингдек ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимида янги технологияларни жорий этиб, уни амалга оширишдек долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Ўқув муассасаларида энгил атлетика спорт турини ривожлантириш, таълим олаётган ўқувчи - ёшларнинг спорт турларига қизиқишини ошириш, билими, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда энг асосий ва оммабоп спорт турларидан бири бу энгил атлетика спор туридир. Ўқувчи-ёшлар ўртасида энгил атлетиканинг турли масофага югуриш ва сакраш, узунликка ва узоқликга сакраш, ядро, найза, диск улоқтириш ҳамда кўпкурашли энгил атлетика турларини ривожлантириш, жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш ва энгил атлетикачиларни жисмоний сифатларини тарбиялаш ва тренировка жараёнини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалалардан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик ва жисмоний ривожланиш масалалари кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Масалан, Ф.Н.Насриддинов [63], Р.С.Саломов [64], Т.С.Усмонхўжаев [74], Е.Я.Бондаревский [35], Ш.Х.Ханкельдиев [83],

Р.Қ.Қудратов [48], каби олимларнинг тадқиқотларида болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги, ҳаракат фаоллигининг сустиги аниқланган.

Интеллектуал ва мотивацияли компонентларни шакллантириш муаммосини кўпчилик мутахассис олимлар томонидан ўрганилган (Э.А.Сейтхалилов 2000; Т.С.Усмонходжаев, 2006; Р.С.Саломов 1991., Р.Қ.Қудратов 2001 ва бошқалар).

Ўсмирлик ёши ўқувчиларда дунё қараш ва маънавиятининг шаклланишида муҳим босқичдир, шу босқичда уларда эътиқод ва ғоялар шаклланади. Фикримизча айнан шу ёшда ўқувчиларда жисмоний маданиятни шакллантириш ҳамда энгил атлетика спорт тури учун алоҳида ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд.

Ўқув муассасаларида жисмоний тарбия - соғломлаштириш ва оммавий - спорт ишларини ривожлантириш, таълим олаётган ўқувчиларнинг энгил атлетика спорт турига интеллектуал қизиқишини ошириш, билими, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Ёш авлодни маънавий бой, ахлоқий пок, жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш бугунги кунда педагогика фани олдидаги муҳим масалаларидан биридир.

Шундай қилиб 7 – 8 - 9 синф ўқувчиларида жисмоний тарбия ва спортга ҳамда энгил атлетика спорт турига нисбатан интеллектуал ва мотивацияли компонентларни шакллантиришга доир илмий асосланган педагогик технологияларнинг йўқлиги магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот объекти: интеллектуал ва мотивацияли компонентлар ўқувчилар жисмоний маданиятини шакллантиришга йўналтирилган омиллар сифатида.

Тадқиқот предмети: умумий ўрта таълим мактабларининг 7 – 8 - 9 синф ўқувчилари энгил атлетика спорт тури фаолиятининг интеллектуал ва мотивацияли компонентларини шакллантириш.

Тадқиқот мақсади: 7 – 8 - 9 синф ўқувчиларини жисмоний тарбия дарсларида энгил атлетика спорт турига интеллектуал ва мотивацияли компонентларини мувофиқлаштириш йўли билан уларда жисмоний тарбия ва спортдан аниқтаниш шакллантириш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Фараз қилиндики, 7 – 8 - 9 синф ўқувчиларининг энгил атлетика спорт тури бўйича фаолиятларининг интеллектуал ва мотивацияли компонентларини шакллантириш бўйича педагогик технологиялар ишлаб чиқилса ва амалга оширилса, ўқувчиларнинг жисмоний тарбиясини амалга ошириш жараёни оптималлашади, жадаллашади.

Тадқиқот вазифалари:

1. Энгил атлетика спорт турига ўқувчиларнинг мотивация соҳасидаги таркибини ва шаклланганлик даражасини аниқлаш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида жисмоний билим ва тайёргарликлари даражасини аниқлаш.

2. Жисмоний сифатларни тарбиялаш орқали энгил атлетика билан шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлаб, ривожланиш жараёнини кузатиш ва ўтказилган тадқиқотлар орқали маълум хулосалар чиқариш;

3. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларда энгил атлетика машғулотларига интеллектуал ва қизиқишини оширишнинг самарадор усуллари ва уларни ўргатиш йўллари тажриба орқали аниқлаш;

4. Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини тажриба синов ишлари ўтказиш орқали текшириш ва математик-статистик усуллар орқали асослаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Энгил атлетика дарслари жараёнидаги жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг интеллектуал ва мотивацияли компонентларини мувофиқлаштириш йўли билан ўқувчиларнинг жисмоний тарбия маданиятини шакллантиришга бутунлай янги ёндашувни ишлаб чиқаришдан иборат. Бунда:

- 7 – 8 - 9 синф ўқувчиларида жисмоний тарбия ва спорт фаолияти мотивациясини шакллантириш омиллари ва мотивацион соҳани тузилмаси аниқланди;

- 7 – 8 - 9 синф ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спортга ҳамда энгил атлетика спорт турига мотивацияни шакллантириш динамикаси аниқланди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти – 8 - 9 синф ўқувчиларида жисмоний тарбия ва спорт фаолиятига ҳамда энгил атлетика спорт турига ижобий муносабатларни шакллантириш имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятида ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт фаолиятларини ҳамда энгил атлетика спорт турига интеллектуал ва мотивациали компонентларини шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқилганлигидан иборат ҳамда униумумий ўрта таълим мактаблари учун педагогик кадрларни тайёрлаш ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини малакасини ошириш факультетларида қўлланганлиги билан аниқланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. 7 – 8 - 9 синф ўқувчиларининг мотивациалари тузилмаси ёшга мос равишда ўзгариб боради ва мувофиқлаштириш мумкин.

2. Интеллектуал ва мотивациали компонентларни ўзаро шакллантириш динамикаси 7 – 8 - 9 синф ўқувчиларини умумий жисмоний тайёргарлиги динамикаси билан ўзаро боғлиқ мос равишда ўзаро алоқадорликда ривожлантириш мумкин.

3. Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг интеллектуал ва мотивациали компонентларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик технологиялар 7 – 8 - 9 синф ўқувчилари жисмоний тайёргарлигини ўсишига хизмат қилади ва уни рағбатлантиради.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши. Диссертация иши кириш, III боб, хулоса, амалий таклифлар, адабиётлар рўйхати ва 1 та далолатнома

иборат бўлиб, 90 саҳифани ташкил қилади. Ишнинг баъзи кўрсаткичлари 2 расм ва 4 та жадвалда тасвирланган.

I БОБ. МАВЗУ ДОИРАСИДАГИ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

1.1. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний тарбия ва спорт фаолиятига ҳамда енгил атлетика спорт турига мотивациясини шакллантириш

Технология – фаолият объекти шакли, ҳолати ёки хоссаларинини унинг табиати ва фойдаланиладиган воситалар характери билан мувофиқ тарзда мақсадли ўзгартириш методлари йиғиндиси.

Барча технологиялар учун умумий ўлчам маданиятни ўзлаштириш ва гавдалантириш даражаси саналади. Маданият ривожланишининг бош чизиғи (йўналиши) ижтимоий фаолиятнинг барча турларини (учта томон, жумладан ишлабчиқариш, мулоқот ва истеъмол бирлигида) рационал ва самарали амалга ошириш шароитлари, воситалари, шакл ва усулларини яратиш саналади. Бу хоссасига кўра маданият инсон фаолиятининг умумий технологияси сифатида гавдаланади. Бунда исталган фаолият тури маданиятнинг шу фаолият соҳаси асосида шаклланган тармоғини асос қилиб олади.

Билиш мотивлари ўқув фаолити мазмуни ва уни бажариш жараёни билан боғлиқ. Мотивларнинг бу гуруҳи бир неча кичик гуруҳга бўлинади:

- ўқувчиларни янги билимларни эгаллашга йўналтириш билан боғлиқ билиш мотивлари;
- ўқувчиларни янги билимларни топиш усулларини ўзлаштиришга йўналтириш билан боқ ўқув-билиш мотивлари;
- ўқувчиларнинг билимларни топиш усулларини мустақил такомиллаштиришга йўналганлигидан иборат ўз-ўзига таълим мотивлари;
- ўқувчининг гўёки ўз-ўзи билан доимий мусобақа давомида муваффақиятга интилиши ва истаганида янги, тобора юқори натижаларни эгаллашга интилишидан иборат «ютуқлар мотиви».

Ижтимоий мотивлар ҳам бир неча кичик гуруҳга бўлинади:

- кенг ижтимоий мотивлар: билимолишга интилиш, ўқиш зарурлигини англаш, масъулиятни ҳис қилиш;
- тор ижтимоий мотивлар, позицион мотивлар: атрофдагилар билан муносабатларда маълум ўрин эгаллашга, уларнинг эътибори, ҳурматини қозинишга интилиш;
- ижтимоий ҳамкорлик мотивлари: ўқувчи нафақат бошқалар билан мулоқот ўзаро ҳамкорлик қилишни истайди, балки ўзининг ўқитувчилар ва ўртоқлари билан ҳамкорлигива ўзаро муносабатлари усуллари ва шакллари англаш, таҳлилқилиш, бу шакллари доимий такомиллаштиришга интилади.

Баркамол ривожланган шахс учун турли, ҳам ижтимоий, ҳам билиш мотивларини бирлаштириш зарур. Ижтимоий ва билиш мотивларининг сифати бола шахсининг моҳияти ва унинг йўналганлигини белгилайди (44,61).

Ўқиш, ўқув мотивларини шакллантирадиган фаолият тури сифатида мураккаб, ўқув вазифасини қабул қилишга тайёрликни, унда ориентирланишни, ўқув ҳаракатлари, ўқув материални ўзгартиришни, назорат, ўзишини назорат ва баҳолашни мажбурий ўз ичига оладиган мураккаб жараён дир. Бу элементлар шахсининг таркибий қисмлари сифатида фаолият кўрсатади, ўқитувчи билан ҳамкорликда ва биргаликда бажарилади, онгли характерга эга (33, 55,).

Бондаревский Е.Я. (1986) фикрича, эмоционал жараён учта асосий компонентни ўз ичига олади: эмоционал таъсирланиш, эмоция белгиси («+»- ижобий эмоция ҳодиса позитив баҳоланганда юзага келади, «-» - салбий эмоция ҳодиса негатив баҳоланганда юзага келади), эмоцияни назорат қилиш даражаси.

Ўқувчиларда тўғри мотивацион йўналганликни тарбиялаш, мақсадларни қўйиш уларнинг ўқишга эмоционал муносабатига таъсир кўрсатиш билан бирга олиб борилиши керак.

Мотивацион соҳанинг барча томонларини нисбатлаш ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишлари кўринишида намоён бўлади. Шу сабабли қизиқиш ўқувчининг муҳим шахсий сифати ва ўқишга интеграл билиш-эмоционал муносабати сифатида намоён бўлади.

Ўқиш мотивациясини муҳокама қилиш давомида ишонч ҳосил қилдикки, ўқишга ижобий муносабат ўқувчилар ҳулкида детерминациянинг кўплаб жиҳатларини ўзида акс эттиради. Мотивация характери унда турли эҳтиросларнинг тақдим қилингани, алоҳида эҳтирослар сифати, психологик хусусиятлари, мотивнинг йўналганлиги ва таъсирлилиги, барқарорлиги, турли эҳтиросларнинг мотивацион соҳа структурасида бирлашиши билан белгиланади.

Муваффақиятли ўқиш учун ижобий мотивация кўпроқ конструктив, у ўқувчининг фаоллигини, унинг ўқиш субъекти сифатидаги позициясини юзага келтирад (38,42).

А.П.Матвеев (1991) фикрича, жисмоний маданият кадриятларининг замонавий тизими асосига инновацион ёндашув ва замонавий педагогик технологияларни белгилайдиган назарий концепцияла олиниши лозим, зеро замонавий таълим мазмуни қуйидаги йўналишлар бўйича жиддий ўзгартиришларни талабқилади:

- таълим мазмунига жисмоний маданият билан мустақил машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик устидан индивидуал назоратни амалга ошириш бўйича билим ва малакаларни киритиш;
- таълим мазмунини индивидуал-дифференциацияланган ёндашув қоидаларига мувофиқ, ёш-жинс хусусиятларини, жисмоний ривожланганлик даражасини, саломатлик ҳолати ва ҳаракат тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаш;
- таълим мазмунини таълим жараёни қатнашчиларининг қизиқишлари, эҳтиёжва имкониятларини янада тўлиқ ҳисобга олишга йўналганлигини таъминлаш;

- таълимга битирувчиларнинг келгусидаги касбий йўналтирилган фаолиятга тайёргарлигини таъминлайдиган профил мазмунни киритиш.

Педагогик жараён таълим, тарбия варивожлантиришнинг бирлигида намоён бўлади. Умумий ўрта таълимнинг жисмоний маданият соҳасидаги ўқув фани ахборотли (билим), операцион (усуллар), мотивацияли (қадриятли йўналганлик) компонентларини ўз ичига олган жисмоний маданият фаолияти саналади (24, 36, 46).

В.К.Бальцевич (1994) жисмоний тарбия бўйича ўқув жараёнини ташкил қилишга фалсафий-маданиятшунослик ёндашув таъкидланади. Жисмоний маданият тарбиясининг технологик асоси сифатида фаолиятли ёндашув, таълимга ёндашувнинг янги қоидаси, жисмоний маданият ва спорт машғулотларининг эмоционал жиҳати устуворлиги, қониқиш ва муваффақият эффекти қаралади.

Жисмоний маданият тарбияси мазмуни учта асосий йўналиш: ижтимоий-психологик, интеллектуал, ҳаракат (жисмоний) тарбиясини ўз ичига олади.

Интеллектуал тарбия инсонда фалсафий, тиббий, психологик ва жисмоний маданий билимлар билан узвий боғлиқ бошқа аспектларни ўз ичига олган назарий билимларнинг кенг спектрини шакллантириш имкониятини кўзда тутлади.

В.К.Бальцевич томонидан (1994) жисмоний маданият соҳасидаги билимларнинг тўрт даражани ўзичига олган таснифи таклиф этилади:

Биринчи даража ижтимоий ва биологик компонентлар ва уларнинг жисмоний тарбия жараёнида ўзаро таъсири ҳақидаги билимларни ўзичига олади. **Иккинчи даража**ни жисмоний маданият қадриятларини ўзлаштириш жараёнининг ижтимоий ва биологик детенминанталари ҳақидаги билимнинг фундаментал ва технологик жиҳатлари ташкил қилади. Жисмоний маданиятга оид билимнинг **учинчи даражаси** ихтисослашиб улгурган фанлар, уларнинг жисмоний тарбия амалиётида фан ютуқларини реализациялашнинг конкрет йўл вавоситаларини белгилайдиган технологик

омилларидан ташкил топади. Тўртинчи даража билимнинг ихтисослашиш даражасини акс эттиради ва фалсафа, умумий ва амалий социология, тиббий-биологик, педагогик, психологик йўналишдаги умумий ва хусусий фанларни, иқтисод, ҳуқуқ, математика, физика, Киме, механика, муҳандислик-техника фанлари, бошқарув ва ташкил этишни ўз ичига олади (В.К.Бальцевич, 1995, 1996).

1.2. Енгил атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлик тушунчаларига ва жисмоний сифатларига изох

Жисмоний тайёргарлик ўқув–тренировка жараёнининг муҳим бўлими ҳисобланади. Жисмоний тайёргарлик организмнинг функционал имкониятлари умумий даража-сини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш, соғлиқни мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқ бўлган жисмоний қобилиятларни тарбиялаш жараёнидир. Жисмо-ний тайёргарлик умумий ва махсус тайёргарликка бўлинади. Ўқув-тренировка ишида умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик вазифалари узвий боғлиқдир.

Енгил атлетикачиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги жисмоний қобилиятларини ҳар томонлама тарбиялаш, умумий иш қобилиятини ошириш вазифаларини ҳал қилади. Умумривожлантирувчи машқлар ва шуғулланув-чилар организмга умумий таъсир кўрсатувчи спортнинг бошқа турларидан олинган машқлар бунда асосий воситалар сифатида қўлланилади. Бунда мушак пайларининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, ички аъзо ва тизимлар функциясининг такомиллашишига, ҳаракатлар координацияси ва ҳаракат сифатлари умумий даражасининг оширилишига эришилади.

Махсус жисмоний тайёргарликнинг мақсади – енгил атлетикачи учунгина хос бўлган жисмоний сифатлар ва функционал имкониятларни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш-дан иборатдир (24,25,42).

Енгил атлетикачиларнинг фаолияти бажараётган ҳаракати интенсивлигининг доим ўзгариб туриши билан ифода-ланади. Мушаклар ишининг юксак интенсивлиги фаоллик-нинг пасайиши ва нисбатан тинч ҳолатга ўтиш билан алмашиб туради. Жадал югуриш, илгари ташланиш, сакрашлар енгил

югуриш, юриш, тўхташ билан алмаши-нади, ҳаракат йўналиши, мароми ва суръати ўзгариб туради. Бундай фаолият муайян жисмоний юкламани амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, вегетатив жараёнлар, биринчи навбатда, модда алмашинуви, нафас олиш ва қон айлани-шидаги жиддий функционал ўзгаришлар билан давом этади.

Кўпроқ муайян жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар ёрдамида йўл-йўлакай айрим техник усуллар ижросини такомиллаштириш мумкин. Бунинг учун, одатда, бажариш характери ва тузилишига кўра у ёки бу техник усул ёхуд унинг алоҳида элементларига ўхшаш бўлган махсус машқлар қўлланилади.

Жисмоний тайёргарлик машғулотларида кўпроқ такро-рий, оралатиб ўтказиладиган, ўзгарувчан, ўйин ва мусобақа услублари қўлланиб туради.

Йиллик тренировка циклида аввал умумий жисмоний тайёргарлик, кейин шу асосда махсус жисмоний тайёргарлик кўриш тавсия қилинади.

Енгил атлетикачиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигида куч, тезкорлик, чаққонлик, эпчиллик асосий ўрин тутди. Айни шу жисмоний сифатлар Енгил атлетикачиларнинг ҳаракат имкониятлари даражасини ифодалайди.

Жисмоний сифатларни тарбиялаш ягона тренировка жараёнининг бир қисмидир. Енгил атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш услубиятини қараб чиқар эканмиз, бунда биз, аввало, жисмоний фазилатларни тарбиялаш услубларини назарда тутамиз.

Ҳар томонлама жисмоний ривожланиш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва спортда муваффақият қозонмоқ учун, жисмоний ва маънавий - иродавий фазилатларнинг асосийларини ривожлантириш ва тарбиялаш зарур. Ана шу жисмоний ва маънавий - иродавий фазилатларнинг асосийларини ривожлантириш ва тарбиялаш енгил атлетикачилар тайёргарлигининг муҳим қисмидир.

Энг аввало ёш спортчининг ҳар томонлама ва махсус жисмоний ривожланиш жараёндир.

Енгил атлетикачиларнинг асосий жисмоний сифатларини ривожлантириш (жисмоний тайёргарлик) - энг аввало спортчининг ҳар томонлама ва махсус жисмоний ривожланиш процессидир. Шунга биноан жисмоний тайёргарлик умумий жисмоний тайёргарликка ва махсус жисмоний тайёргарликка бўлинади.

Умумий ва махсус жисмоний тайёргарликда кучни, тезкорлик, чидамликни, чаққонликни, эгилувчанликни ривожлантирувчи машқлар асосий роль ўйнайди. Худди шу жисмоний фазилатларда енгил атлетикачининг бутун организмидаги органлар ва системалар иш қобилиятига асосланиб, унинг ҳаракат қилиш имконияти акс этади.

Кучни ривожлантириш. Куч кўпаймаса спорт маҳоратига етишиб бўлмайди. Ҳаракат тезлиги ҳамда чидамлик ва чаққонлик кўп жихатдан мускуллар кучига боғлиқ. Мускуллар кучи бош мия қобиғи фаолиятига мос келадиган марказий нерв системасининг аҳволига, мускулларнинг физиологик кўндаланг кесимига, мускулларда бўладиган биохимик процессларга, мускуллар кўзғолувчанлигининг ўзгаришига, уларнинг чарчоқлик даражасига ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлади, бош мия қобиғидаги ҳаракатлантирувчи зонанинг нерв тўқималаридан чиқадиган нерв импульслари келгандагина мускул кучи содир бўлади. Бу, нерв системаси функционал имкониятларининг ҳал қилувчи аҳамияти бор эканини кўрсатади(24, 27,46).

Айниқса янги, бошловчи енгил атлетикачиларда мускул кучини ривожлантириш биринчи навбтда ўз мускулларини бошқара билиш, уларни қисқартира олиш ва кўпроқ куч бериб кучлантира олиш (нерв - мускул координациясини яхшилаш) ҳисобига бўлади.

Шу билан бир вақтда, катта ирода кучи кўрсата билишни ўргата борилгани ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, мускул кучини намоён қила олиш нерв тўқимларанинг функционал имкониятини ошириш йўли билан ҳам ривожлантирилади. Мускул кучи унинг физиологик кўндаланг кесимига тўғри пропорционал бўлгани учун, жисмоний машқлар таъсирида мускул массаси

ортган сари мускул кучи ҳам кўпая боради, шу билан бирга, мускулларда айланиш кучаяди, модда алмашилиш яхшиланади, энергия берадиган моддалар кўпаяди.

Енгил атлетикачилар танасидаги ҳамма мускуллар кучли, гармоник ривожланган бўлиши керак. Лекин тана мускулатурасининг ривожланиш даражасига бўлган талаб енгилатлетиканинг турига боғлиқдир. Улоқтирувчиларга кучни ҳаммадан кўп ривожлантириш керак бўлса, марафончиларга ҳаммадан кам куч керак.

Ҳар қандай енгил атлетикачи тренировкисида албатта кучни ривожлантирувчи машқлар ишлатилади. Лекин асосан енгил атлетиканинг мазкур турини бажариш учун энг муҳим булган мускуллар группасини ривожлантиришга эътибор берилади. Анчагина кўп мускул кучи намоён қила олишни яхшилаш учун, катта ва максимал кучланиш методлари қўлланилади. Бу махсус танлаб олинган машқларни катта ва максимал куч билан (максималдан 75-100%) такрор - такрор бажариш демакдир. Бундай машқларда енгил атлетиканинг қайси турида мумкин қадар кўп куч сарфлашни ўргатиб олиш мақсад бўлса, шу турнинг ёки шу тур элементнинг координацион структурта яхлитлиги сақлаб қолинади. Машқни қийинлаштира бориш (штанга ва снарядлар оғирлигини, сакраш баландлигини, югуриш тезлигини ошира бориш) ҳам бу машқларга хос хусусиятдир.

Мускуллар массасини ошириш учун, машқлар то ҳаракат тўғрилиги бузиладиган даражада мускуллар чарчагунча тўхтовсиз бажарилади (“Ниҳоягача” методи). Бундай машқлар структура жиҳатдан, одатда спортчи ихтисос олаётган енгил атлетик турнинг элементларига ўхшайди. Бунда куч келиш ўртача ёки катта (максималдан 50-70%) бўлиши керак.

Кучни ривожлантириш учун элементлар машқлардан тортиб, то яхлит енгил атлетика турига (сакраш, улоқтириш, стартдан ташланиш) қадар ҳар хил динамик машқлардан фойдаланилади. Кучни ривожлантиришда юк кўтариш машқлари, ўз вазнидан фойдаланиб ёки шериги қаршилигини енгиб бажариладиган машқлар энг кўп қўл келади. Бундан ташқари, кучни статик

намоён қилиш қўлланади. Оғирлиги 2,5 кг дан ортиқ гантеллар, 10-15 кг гача кум билан тўлдирилган халталар, 2-5 кг лик тўлдирма тўплар, 16 ва 32 кг лик тошлар ва штангалар юк тариқасида хизмат қилади.

Оғир юк билан, маслан, штанга билан бажариладиган машқлар тананинг ҳамма мускулларига, айниқса йирик ва бақувват мускул группаларига, енгил юк (масалан, тўлдирма туплар, гантеллар) билан бажариладиган машқлар эса айрим мускул группаларга таъсир қилади.

Атлет анча оғир юк кўтариб машқ бажараётганда, баъзан нафас ритмини бузади ёки бутунлай нафас олмай қолади. Тўғри нафас олишга жуда катта эътибор бериш, максимал оғирлик билан қилинадиган машқларни бир мартагина бажариб, кейингисини бошлаш олдидан 2-5 минут вақт ўтказмоқ керак.

Юк кўтариб қилинадиган машқларни биринчи вақтларда секин - аста, кейинчалик оғирлик имкон берганича тез бажариш тавсия этилади.

Ўз оғирлигини кўтариш ҳамда шериги қаршилигини енгиш машқлари юк кўтариш машқларига яқин. Булардан типикроғи - ўз гавда оғирлигидан фойдаланиб бажарадиган ўтириб - туриш (асосан бир оёқда), сакраш жумладан, пастга сакраб тушиб, шу заҳоти депсиниш, осилган ҳолатда тортилиш, таяниб ётган ҳолатда қўлларини букиб - тўғрилаш каби машқлардир. Юк кўтариш машқларидаги сингари бу машқларда ҳам қанчалик кичик мускул группаси ишлайдиган бўлса, тананинг бориб келиш йўли қанча бўлса, машқ кўп такрорланади. Бора - бора секинроқ ҳаракатлардан тезроқ ҳаракатларга, енгилроқларидан қийинроқларига ўтиш керак. Кейинчалик эса, максимал тезлик билан, бажариладиган машқларга кўпроқ ўрин берилади.

Шериги билан кўтаришиб, қаршилигини енгиб, тортишиб ва туртишиб бажариладиган машқлар мускулларга умумий ва танланган таъсир кўрсатиш имконини беради. Бу ерда кучлиликда ва бу кучдан фойдалана олишда мусобақалашаётган атлетларнинг иродалари кучини кўрсата олишларининг катта аҳамияти бор.

Куч атлет учун зарур шароитга яқин шароитда тараққий этади. Бу методни оғирлаштирилган асбоблар билан шуғулланадиган улоқтирувчилар кўпроқ қўллайдилар. Лекин оғирлик қўшиб бажариладиган машқларни бошқа енгил атлетикачилар ҳам муваффақият билан қўллашлари мумкин. Масалан, илмий текширишлар сакраш машқларида оғирликлардан фойдаланганларнинг сакровчанлиги, ундан фойдаланмаганларга нисбатан кўпроқ ортганини кўрсатди. Тренировканинг тайёрлов даврида енгил атлетикачилар оғир пойабзал кийиб ёки 5 - 6 кг ли белбоғ (кўрғошин бўлакчалари ёки питра солинган брезент белбоғ) боғлаб, махсус машқлар бажаришлари мумкин.

Оғирликлар билан бажариладиган енгил атлетика машқлари ёрдамида маълум мускул группалари массасини оширишгина эмас, балки жуда катта ирода кучи намоиш қила билиш қобилиятини ҳам тарбиялаш мумкин. Бундай машқларни мумкин қадар максимал тезликда бажариш керак.

Оғирликлар билан бажариладиган енгил атлетика машқларини худди шу машқларнинг оғирликсиз бажарилиши билан алмаштириб туриш керак. Одатда машқ олдин оғирликсиз. Кейин оғирлик билан бажарилади.

Енгил атлетикачилар тайёргарлигида статик кучланиш машқларидан ҳам (“изометрик” метод) фойдаланилади. Енгил атлетикачи, масалан, елкаси билан паст турникка тураниб ёки жуда ҳам оғир штангани ердан узиш учун, ярим букик оёқларини тўғрилашга ҳаракат қилиб, мумкин қадар максимал кучланиш сарфлайди. Бундай ниҳояга етиб турган статик кучланишда, бош миянинг куч келаётган мускул группаларига оид нерв тўқималарига айниқса катта талаб қўйилади. Табиийки, бундай кучланишга жавобан нерв тўқималарининг функционал имкониятлари ортади-да, енгил атлетикачи яна ҳам кўпроқ куч бера олади. Нерв тўқималарининг функционал имкониятлари ошганлиги динамик ҳаракатларда ҳам кўпроқ кучланиш сарфлаш имкониятини беради.

Катта ва максимал статик кучланишли ҳар қайси машқ бир машғулот мобайнида 5 - 6 секунддан 2 - 4 марта такрорланади. Бу метод фақат катталарга тавсия қилинади.

Янги бошловчи енгил атлетикачилар гавдадаги ҳамма мускулларини ривожлантириш учун, кўпроқ куч келадиган хилма - хил жисмоний машқлар қилишлари керак. Тайёрланган яхши спортчилар танлаб олган турларида муваффақиятга эришиш қайси мускул группалари кучли бўлишини талаб қилса, уша мускул группаларини ривожлантиришлари керак. Албатта, улар кучни ривожлантирувчи машқлар билан ўзларининг умумий жисмоний тайёрлик даражаларини сақлаб боришлари керак.

Куч кўпайтирадиган машқлар тренировканинг тайёрлов даврида кўпроқ, мусобақа даврида эса камроқ қўлланади. Лекин мусобақа даврида ҳам куч талаб (кўпинча максимал кучланиш талаб қиладиган) махсус машқлар етарли даражада қолдирилади. Бу куч таракқиётида эришилган даражани сақлаб қолиш учунгина эмас, балки уни янада ошириш учун ҳам керак бўлади.

Чидамлиликини ривожлантириш. Чидамли бўлиш енгил атлетикачиларга фақат мусобақаларда қатнашиш вақтида эмас, балки катта ҳажмдаги тренировка ишини бажариш учун эмас, балки катта ҳажмдаги тренировка ишини бажариш учун ҳам керак. У орган ва системаларнинг (айниқса марказий нерв системаси, юрак - қонтомир, нафас олиш системалари ва мускул аппаратининг) тайёрлик даражасига, спорт техникасининг такомил даражасига ва ҳаракатларини тежамли бажара билишга боғлиқдир.

Чидамлилики умумий ва махсус бўлади. Умумий чидамлилики - ҳар қандай спортчининг умумий жисмоний ривожланишининг таркибий қисми бўлиб, аввало марказий нерв системасидаги, юрак - қонтомир, нафас олиш ва бошқа системалардаги жиддий ижобий ўзгаришларнинг натижасидир. Енгил атлетика айрим турларининг хусусиятига қараб спортчига махсус чидамлилики керак.

Маълумки, қисқа масофага югурувчи марафонча югуришда, марафончи эса 400 м тез югуришда чидамсиздир. Кўп соатли мусобақага бардош бера оладиган лангарчўп билан сакровчи, 1500 м га югуришда чидамсиз бўлиб чиқиши мумкин. Енгил атлетиканинг ҳар бир туридаги махсус чидамлиликининг ўзига хослиги шу қадар зўрки, унинг ҳар бири учун ўз методикаси бўлиши керак.

Умумий чидамлилик йиллик тренировкага киритилган жисмоний машқларнинг деярли ҳаммаси воситасида ҳосил қилинади.

Тайёргарлик даражаси юқори бўлган югурувчилар ва тез юрувчиларнинг умумий чидамлиликни ошириш учун югуриш масофалари 20 - 30 км гача етиши мумкин. Бунда тезлик катта бўлмаслиги керак. Бунда югуришлари бор машғулотлар ҳафтада 3 марта, энг кучли стайерларда эса тайёрлов даврининг 3 - 5 ойи давомида ҳафтада 6 - 7 марта ўтказилади. Умумий чидамлилик асосан тайёрлов даврида ривожлантирилади, мусобақа даврида эса фақат сақлаб борилади.

Умумий чидамлилик, энгил атлетикачиларнинг умумий иш қобилияти ва уларнинг соғлиқ даражасини белгилаш билан бирга, махсус чидамлиликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. У қанча юқори бўлса, шу асосида махсус чидамлилик ҳам шунча яхши ривожланади.

Чидамлиликни маълум бир тартибда ривожлантириш керак. Олдин (тайёрлов даврида) умумий чидамлиликни ривожлантиришга, кейин (мусобақа даврида) махсус чидамлиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилади. Бу билан бирга тайёрлов даврида ҳам махсус чидамлилик ривожланаверади, мусобақа даврида эса умумий чидамлилик сақлаб борилади.

Сакровчилар ва улоқтирувчиларнинг махсус чидамлиликни ривожлантиришнинг асосий йўли - танлаб олинган энгил атлетика турини, қисман эса махсус машқларни кўп марталаб бажаришдир.

Махсус чидамлилик энгил атлетиканинг ҳамма турида спортчи орган ва системаларининг махсус тайёргарлик қанчалик юқори эканлиги билан аниқланади.

Турли масофаларга югурувчиларнинг махсус чидамлиликни ривожлантириш методикасида фарқ бор. У аввало органлардаги, системалардаги ва бутун организмдаги югуриш жадаллиги ва югуриш қанча давом этишига боғлиқ физиологик хусусиятлар билан белгиланади. Бунда кислородга бўлган

талабнинг уни истеъмол қилинишга нисбатини ҳисобга олиш айинқса муҳимдир. Маълумки, организмнинг ва айниқса бош мия нерв тўқималарининг иш қобилияти кислород билан таъминлашга боғлиқ. Кислород етишмаса (айниқса узок давом этадиган иш пайтида), иш қобилияти камайиб кетади.

Шунинг учун ҳам организмни кислород билан таъминлайдиган нафас олиш ва юрак - қонтомир системаларининг аҳамияти жуда катта. Тренировка методикаси кўп жиҳатдан мана шу системаларни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Узок ёки ўта узок масофаларни яхши натижалар билан ўтиш учун спортчини, нафас олиш ва юрак-қонтомир системаларининг функционал иқониятини ошириш керак. Бунинг учун тренировка пайтида организмга кўпроқ талаб қўйиш ва ҳаракат тезлигини ошириш натижасида кислородга бўлган талаб ортиқроқ бўлганда нисбатан “турғунлик ҳолати” сақлаб қолишга эришиш зарур. Бундай тренировкага аввало спортчи айни вақтда бутун масофа охиригача ҳеч камайтирмай ета оладиган тезликка нисбатан 3 - 4 % ортиқроқ тезликда югуришни киритиш керак

Ўртача масофаларга югуриш дастлабки 1-2 мин ичида кислород истеъмол қилиниши кескин ортиши билан ҳарактерланади. Кўп ўтмай бу энг юқори даражага етиб, озроққина вақт давомида ўзгармай туради. Лекин кислород истеъмол қилиниш миқдорининг бундай “турғунлик ҳолати” организм кислород истеъмол қилиниши ниҳоясига тақалиб, бундай ортиқ истеъмол қилинишнинг иложи бўлмаганини натижасидир.

Шундай қилиб, ўртача масофага югуриш кислородга бўлган талаб уни истеъмол қилиш даражасидан ортади (физиологик ниҳояга етган бўлса ҳам), яъни кислород қарз ҳосил қилади. Югуриш тезлиги қанча юқори бўлса, қарз шунча кўпайиб, чарчоқ тезроқ бошланади. Кислород етишмаслиги бунга нисбатан энг сезгир бўлгани учун, биринчи галда марказий нерв системасига салбий таъсир қилади.

Ўртача масофаларга югурувчиларнинг асосий вазифаси - махсус чидамлиликни яхшилаш, шунга мослаб орган ва системаларни ривожлантириб, улар функцияларини такомиллаштиришдан, шунингдек, организмни кислороддан тежамли ва самарали фойдаланишга ўргатишдир. Бунга эса камайтирилган масофага мусобақада кўрсатилмоқчи бўлган тезликдан ортиқ тезликда югуришни такрорлаш билан эришилади.

Бундай такрор югуришларда анча кўп “кислород карзи” ҳосил бўлади, орган ва системаларга талаб ортади. Етарли даражада узоқ вақт тренировка қилиб юргандан кейин, югуриш тезлиги юқори бўлиши натижасида пайдо бўладиган кескин чарчай бошлашга қарши кураш қобилятини ўстирган югурувчи, тренировкадагидан узоқроқ давом этса ҳам, жадаллиги камроқ ишни осонроқ бажаради.

Тажрибада кўрилишича агар югуриш тезлиги мусобақадагидан юқори бўлса, ўзгарувчан югуриш 800 - 1500 м га югуриш тренировкасида ҳам фойдали экан. Лекин ўртача масофада югуришда махсус чидамлиликни ошириш учун такрорий усул (масалан, 800 м га югурувчилар одатда 400 - 600 м га югуришни, 1500 м га югурувчилар эса 800 - 1000 м га югуришни такрорлайдилар) қўллайдилар. Такрор югуришлар ўртасида 15 - 20 минут дам олган маъқул, бу кейинги такрор югуришларни ҳам юқори тезликда бажариш учун керак бўлади.

100 ва 200 м га югурганда чарчоқ тез ўсиб боришнинг энг муҳим сабаби бош мия нерв тўқималаридаги ўзгаришлардир. Максимал зўр беришлар пайтида, айниқса гипоксемия шароитида, асабга жуда қаттиқ зўр келади. Иш қобиляти тезда пасайиб кетиши ҳам шундан. Агар югурувчи жуда катта зўр бераётганига қарамай, ҳаддан ташқари қаттиқ кучанмасдан бемалол енгил югурса 100 ва 200 м га югуришда ҳам чарчоқ секинроқ кўпаяди.

Чарчашни камайтириш учун тегишли қобик процессларини ва нерв - мускул аппаратини такомиллаштириш, мускуллардаги биохимик процесслар фойдасини ошириш, қондаги кислороддан яхшироқ фойдаланиш керак.

Катта техликдаги югуриш пайтида энергетик моддалар жуда тез парчаланиб, мускуллардаги ҳамма биохимик процесслар қарийб кислородсиз шароитда ўтадиганлиги учун, 100 - 200 м га югуришдаги чидамликни оширадиган орган ва системаларни фақат шу шароитнинг ўзидагина ривожлантириш мумкин. Демак, спринтда зарур бўлган чидамликни кичик тезликда югуриш билан тўлиқ тараккий эттириш мумкин эмас.

Тезликни ривожлантириш. Харакатларни тез бажара олиш енгил атлетикачининг муҳим фазилатларидан биридир. Тезкорлик сакровчининг депсиниши, улоқтирувчиларнинг силташи, спринтернинг югуриши учун зарур бўлибгина қолмай, балки тезкорлик бош фазилат ҳисобланмаган атлетларга ҳам зарурдир. Юқори даражадаги тезкорлик тезлиги кам ҳаракатларни осонроқ бажаришга имкон беради. Бу эса ишнинг кўпроқ вақт давом этишига ёрдам беради.

Спортчининг ҳаракат тезлигига биринчи навбатда мускулларнинг таранглаштириб ва бўшаштириб турадиган ҳаракатларнийўлга солиб ва бошқариб турадиган бош мия қобиғининг тегишли нерв фаолияти сабаб бўлади. Бу фаолият кўп жихатдан спортчининг спорт техникаси қанчалик такомиллашганига, мускулларнинг кучи ва эластиклигига, бўғинларининг ҳаракатчанлигига, узок давом этган иш пайтида эса, унинг чидамлилигига боғлиқ.

Тезкорлик – туғма фазилат, масалан, туғма қобилият бўлмаса, қисқа масофада югурувчи бўлиш мумкин эмас деган фикрлар ҳали ҳам учраб туради. Албатта табиий мойиллик ва туғма имкониятнинг муайян аҳамияти бор, аммо бош роль ўйнайдиган – тарбия, ўрганиш ва таракқиёт топишдир. Систематик кўп йиллик тренировка жараёнида ҳар қандай спортчи тезкорлик фазилатини ниҳоят даражада ошириб олиш мумкин.

Ҳаракат тезлигини (айниқса ўйинлар ёрдамида) 10 – 12 ёшдан ривожлантири бошлаш керак.

Харакат тезлигини оширишнинг энг муҳим томони – югуриш, сакраш ва улоқтириш мукамал техникасини эгаллашдир. Бунга фақат ўрганиш процессидагина эришиб бўлмайди. Машқларни кўп марталаб такрорлайвериш, хатто машқ техникасини тўла ўзлаштириб олгандан кейин ҳам такрорлайвериш зарур. Такрорлаш (масалан, 10 – 15 X 100 - 150 м, 30 - 60 марта ядро итқитиш, дискни 30 - 40 марта улоқтириш, лангарчўп билан 30 марта сакраш) максималдан пастрок (максимумнинг 9/10 қисмича) кучланишда бажарилиши керак. Бундай такрорлашлар айниқса спринтерлар ва ғов ошарлар учун керакдир.

Буларда югуриш тезлигининг ортиши, аввало, фақат ҳаракат техникасидаги жуда мураккаб нерв-мускул координация қарор топгани ва руҳий иштиёқ натижасидагина эмас, балки улар ниҳоят даражада мустаҳкам бўлган тақдирдагина рўй беради. Бунга эса бир машғулотда 100 – 110 – 150 – 200 м ни максимал иезликка яқин тезликда кўп марталаб югуриб ўтиш натижасида эришилади.

Спринтерлар учун 50 – 60 метрли Ҳия (2 - 3) йўлкада югуриш самаралироқ. Югуриб кела туриб, 30 – 50 м га қия йўлкадан югуриб кетганда турғунлашиб қолган максимал тезлик ортади. Югурувчи тезроқ тепшинишга ўргатади, бурилишдан тўғри йўлкада чиқишда жадалроқ қадам ташлайдиган бўлишади. Лекин енгиллаштирадиган шароитда бажариладиган қия йўлкада югуриш горизонтал йўлкада югуришга тўла ўхшаш эмас. Шунинг учун у спринтер тренировкасининг оз қисминигина ташкил этиши мумкин.

Суръатини тезлаша борадиган ритмик баланд товуш ёрдамида ҳам югуриш ва ҳаракатда турғунлашиб қолган максимал тезликни ошириш мумкин. Чунки спринтер ўз қадами жадаллигини товуш суръатига мослаб ташлашга интилади.

Бир машқда тренировка қилиш натижасида спортчининг тезкорлиги ортгандан кейин, у бошқа машқларни ҳам тез бажара оладими йўқми эканини билиш муҳимдир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳосил бўлган тезкорлик ҳаракат структураси ўхшаш бўлмаган бошқа машқларга ўтмайди. Масалан,

спринтда тренировка қилиш натижасида телеграф калити билан ишлаш частотаси ошмайди. Бошқарилиши ўхшаш бўлган ҳаракатларда эса бундай эмас. Спринтча югуришда ҳосил бўлган тезкорлик фазилати, сакрашда тепсинишга ва улоқтиришда оёқни тўғрилаш ҳаракатига ўтади.

Ҳар қайси енгил атлетикачи ўзи танлаган енгил атлетика турининг қайси ҳаракатида айниқса кўпроқ эгилувчанлик аниқлаб олиши керак. Ҳар қайси енгил атлетикачи учун керак бўладиган бундай машқлар унчалик кўп эмас – одатда 3 – 5 тадан ошмайди. Масалан, ғов ошар учун эгилувчанлик, айниқса оёқни ёнига узатиш ва бир оёқни олдинга, иккинчисини орқага чўзиш (шпагат) учун, шунингдек танани олдинга эгиш учун керак. Бу ҳаракатларнинг ҳар қайсиси учун бир группа эгилувчанликни ўстирадиган машқлар танланади. Уларнинг йўналиши ҳаракат йўналишига ўхшаш бўлади.

Ҳар қайси гурпуадаги машқлар бирикетин узлуксиз ёки кичкина танаффус (2 – 3 минут) билан бажарилади. Ҳар қайси гурпуадаги машқларни тоқроқлашнинг умумий сони секин-аста кўпая бориши керак; биринчи машғулотда тахминан 10 марта тақроқланса, машқ қилиш бир кун ҳам қанда қилмаганда 1,5 – 2 ой охирида 50 – 80 мартага етиши керак. Агар эгилувчанлик машқлари бир кунда икки марта бажарилса, ҳар иккала галда дозани камайтириш мумкин, лекин икки гал йиғиндиси юқорида кўрсатилгандек бўлиши керак.

Чаққонликни ривожлантириш. Чаққон ҳаракат қилиш, ҳаракат вазифаларини тез тўғри еча олиш учун кучли, тезкор, чидамли бўлиш ва мустаҳкам иродали бўлиш керак. Кучлилиқ, тезкорлик ва бошқа фазилатларсиз, ҳаракатларда чаққонлик бўлиши мураккаб бўлса, қанчалик тез чаққонлик кўрсатиш керак бўлса, чаққонлик шунчалик такомиллашган бўлиши керак.

Тренировка процессида ва мусобақада кўпгина хил ташқи таъсир техника тўғрилигини бузиши мумкин. Агар атлетнинг чаққонлиги ривожланган бўлса, унда у мувозанатини тиклаб, ҳолатини ёки ҳаракатини тўғрилаб олиб, спорт натижасини пасайтирмайди.

Жисмоний тайёрланганлик инсоннинг жисмоний сифатлари ва ҳаракат қобилиятлари комплексининг ривожланганлик даражасидир.

Бу комплекс таркибига куч, тезлик, чидамлилиқ, нозиклик (эгиловчанлик), чаққонлик ва уларнинг бирикиши (масалан, тезликка чидамлилиқ) ва ҳосилалари (масалан, координация қобилиятлари, динамик куч, реакция тезлиги ва ш.к.) киради (Г.Л.апанасенко, 2001).

Ҳаракат аппаратининг функционал ҳолати муҳим тавсифи – мушак кучи. Тадқиқотлар кўрсатдики, кафтдаги максимал куч ёш ортиши билан бир маромда ортмайди. Кучнинг энг кўп ортиши 14-17 ёшда кузатилади. Оёқ мушаклари кучи 10-15 ёшда интенсив ортади, қомат кучи 16-18 ёшда.

Е.Я.Бондаревский (1983) аниқлашича, гарчи кучнинг мутлақ максимумига 20 ёшдан 40 ёшгача эришилса-да, мушакларнинг кўпчилиқ гуруҳи учун нисбий куч (тана вазнининг 1 кг ига) 12-13 ёшда максимумга етади.

С.Ф.Евтушенко тадқиқотларида (1999) аниқланганки, куч қўшилишининг энг катта суръатлари, яъни сенситив даври кичик ва ўрта мактаб ёшига тўғри келади.

Одамнинг динамик кучи ва унинг турларидан бири – портлаш кучи, яъни энг қисқа вақтда максимал кучни намоён қилиш қобилияти ҳам муҳим. Тадқиқотчилар портлаш кучининг аста-секинлик билан, нотекис, ё шва жинсга боғлиқ равишда ўзгаришини таъкидлашади. Шундай, қизларда жойидан баладликка сакраш баландлиги 12-14 ёшгача яхшиланади, кейин натижаларнинг бир мунча барқарорлашиши ва хатто пасайиши кузатилади. Ўғил болаларда портлаш кучининг ўртача гуруҳ кўрсаткичлари ёш катталашини билан ортади, 15-17 ёшда ўз максимумига етади.

Тезлик-куч қобилиятларининг жадал ривожланиш даври 11-14 ёшга тўғри келади.

Куч сифатлари онтогенези бўйича адабиётлар таҳлили хулоса қилишга имкон берадики, турли ҳаракатларда намоён бўладиган куч кўрсаткичларининг энг кўп ортиши 11 ёшдан 16 ёшгача кузатилади. Бунда ўғил болалар ва

Ўсмирларда куч параметрларининг ўсиши қизларникидан кўпроқ (Т.С.Усмонходжаев 2006)

Куч сифатларини ёшга боғлаб ўрганишнинг тобора аниқ натижаси – куч қобилиятларини уларнинг турли кўринишларида тезлашган ривожланиши даврини аниқлаш 10-13 ёшга тўғри келади.

Ўғил ва қиз болаларда куч сифатлари ривожланиши ва характерида тафовутлар борлигини, шунингдек бу жараённинг умумий мароми турличалигини таъкидлайди. 12 ёшгача ҳаракат тезлиги ривожланиш даражасидаги тафовутлар сезиларли бўлмайди. Каттароқ ёшда ўғил болаларнинг устунлиги аста-секин ортиб боради, уларда тезлик сифатлари ривожланиш даражаси 13-14 ёшда барқарорлашади.

Лях В.И. (1989) статик кучланишда шу жисмоний сифатнинг намоён бўлишида умумий ва тезлик-куч чидамлилиги ривожланиш қонуниятларини ўрганган. Максимал тезликнинг 70% и билан узоққа юугариш бўйича аниқланадиган умумий чидамlilik кичик мактабёшидаги ўғил болаларда интенсив ривожланади. Ўрта мактаб ёшида секинлашиб, катта мактаб ёшида яна ортади. Қизларда 8 ёшдан 13-14 ёшгача бу кўрсаткич ортиб боради, 14 ёшдан кейин кескин пасаяди.

Бўғинлар ҳаракатчанлигининг ёш билан боғлиқ ўзгариши хусусиятларига кўра уларни икки гуруҳга бўлишади: биринчи гуруҳ ҳаракатчанлик кўрсаткичларининг 14-14 ёшгача ортиши, кейин пасайиши билан тавсифланади: умуртқа поғонаси, тос-болдир бўғинлари; иккинчи гуруҳ елка. Унинг фарқли жиҳати ҳаракатчанликнинг 11-13 ёшгача ортиши, кейин бир маромда бўлиб, 16-17 ёшда пасайишида (В.П.Губа, 1999).

Чаққонлик ва координациянинг бошқа кўринишлари ёш бўйича ривожланиши бўйича маълумотлар таҳлилидан кўринадикки, бола ҳаётининг биринчи йили охири ё иккинчи йили бошидан юришни бошласа-да, маконда тўғри ориентирланиш (мўлжал олиш) қобилияти ҳали узоқ такомилаллашиб боради. Фақат 12 ёшга келиб, катталарникига яқин кўрсаткичларга етади. Юриш энг тўғри чизиқли бўлган давр 13 ёшга тўғри келади. Динамик мувозанат

функцияси тобора интенсив ривожланиши 7-10 ёшли болаларда рўй беради (А.Г.Карнеев, 1998).

В.К.Бальцевич раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи (2000) 7-12 ёш интервали ҳаракатларни бошқариш қобилиятини ривожлантириш учун оптимал эканини аниқлади. Бунда, ҳаракатларни бошқариш қобилияти, уларнинг натижалчилиги кўп жиҳатдан тезлик-куч қобилиятлари билан боғлиқ, 13 ёшда максимумга етади.

Шундай қилиб, ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш 7-11 ёшли болаларда ўзига хос қидириш-мослашиш жараёнлари туфайли рўй беради.

I. Боб бўйича хулоса

Илмий-методик адабиётлар таҳлили кўрсатдики, жисмоний тарбия-спорт фаолиятига мотивларни шакллантириш жараёни гигиена борасидаги дастлабки билимлардан ва жисмоний машқлар билан биринчи танишишдан то чуқур психофизиологик билимлар ва жисмоний маданият билан мунтазам, интенсив шуғулланишгача бўлган кўп босқичли жараёндир.

Жисмоний тарбия-спорт фаолиятига мотивларни шакллантиришда таълимнинг ўзгарувчан шароитлари, шакллантириладиган мақсадлар, ўспириннинг умумий ривожланганлиги, педагогнинг шахсий сифатлари, жинс, шунингдек ўқувчининг шароитига боғлиқ равишда вариантланадиган индивидуал хусусиятлар жиддий роль ўйнайди. Жисмоний машқларни қўллашда мотивлар ёшга оид катта динамикага эга.

Жисмоний тайёрланганлик жараёнида ўспириннинг тезлик, тезлик-куч сифатларига, кейин умумий ва махсус чидамлилигига эътибор қаратиш керак.

Ўспиринларнинг жисмоний сифатларини ривожлантираётган педагоглар ҳаракат координацияси турли кўринишлариига, спорт ҳаракатлари техникасини ўзлаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратиши керак.

II БОБ. ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

2.1.Тадқиқотнинг услублари:

- а) Илмий-услубий адабиётларни ўрганиш таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- б) педагогик кузатишлар ва назорат тестлари;
- в) жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;
- г) педагогик тажриба;
- е) математик-статистик усуллар.

2.2. Илмий-услубий адабий манбаларни таҳлил қилиш ва амалий тажрибалар натижаларини умумлаштириш

Тадқиқот вазифаларини қўйишда ушбу услуб асосий ҳисобланади. У мақсадни аниқ белгилашга, тадқиқот фаразини шакллантиришга, назарий хулосалар ҳамда хотимани асослаб беришга имкон яратди.

Таҳлил қилиш жараёнида юқори синф ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларида машқлар юкламасини қандай йўллар билан амалга ошириш ҳамда уларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги ўрганилди.

Машғулотни режаллаштириш ва назорат қилиш ҳужжатларнинг таҳлили жараёнида 7 - 8 - 9 синф жисмоний тарбия дастуридаги берилган машқлар юкламасини миқдори аниқланди.

2.3. Педагогик кузатишлар ва назорат тестлари

Юқори синф ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларидаги юклама ҳажми ва шиддати ўқувчиларнинг ёшига қараб, жисмоний тайёргарлигини такомиллаштирган ҳолда аниқланди.

Назарий ва амалий дарсларни олиб бориш жараёнида қуйидагилар аниқланди: 7 - 8 – 9 синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия бўйича тест синовларини топширишда фаоллиги ва хоҳиш-истаклари; машқларнинг бажарилиш техникаси; тестларни бажаришда дадиллик ва қатъиятлик; етакчилик, машқларни бажаришда ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилияти.

7 – 8 - 9 синфлар ўқувчиларига индивидуал-табақали ёндашишнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида ўқувчиларга бериладиган жисмоний машқларнинг мураккаблиги ёки оддийлигига қараб, ёндашиш усуллари 7 - синфда 30 соат, 6-синфда 25 соат мобайнида кузатилди. Кузатилган дарслардаги камчилик ва ютуқлар ҳисобга олинди ва ўқитувчиларнинг ўқувчи болаларга нисбатан индивидуал-табақали ёндашиш услубиятлари аниқланади.

Тажриба ўтказиш мобайнида ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги, ҳар кунги машқларни ўзлаштиришига қараб, индивидуал ёндашилди. Бу машғулотларда асосий эътибор паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни яхши ўзлаштирадиган ўқувчилар билан тенглаштиришга қаратилди.

2.4. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлаш.

Тадқиқотлар жараёнида ўқувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш мақсадида турли назорат машқлари қўлланилди. Буларга:

1. Юқори стардарт 0 м га югуриш;
2. 3x10 м га моксимон югуриш;
3. Турган жойидан узунликка сакраш;
4. Оғирлиги 1 кг бўлган тўлдирма тўпни улоқтириш;
5. 6 (дақиқали) югуриш;
6. Тортилиш. Ўғил болалар баланд турникда, қизлар эса паст турникда ётган ҳолда бажардилар;

7. Ўтирган ҳолатда, олдинга энгашиш

8. тушаётган линейкани ушлаб олиш.

2.5. Педагогик тажрибалар.

Тадқиқот ишидаги тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш учун дастлабки ва асосий педагогик тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар 2 босқичда ташкил қилинди.

Биринчи босқичда ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги ҳамда амалиётда табақали-индивидуал ёндашиш услубиятларининг қўлланилиш даражаси аниқланди.

Иккинчи босқичда табақали-индивидуал ёндашишни қўллашда ўқувчиларни жисмоний тайёргарлиги аниқланди.

Асосий педагогик тажриба текширув режасига биноан Тошкент шаҳрининг Хамза туманидаги 152 - сонли ва М.Улуғбек туманидаги 27-сонли умумий ўрта таълим мактабларида ўқув йили давомида ўтказилди. Бунда ушбу услублар таъсирини тажрибада исботлаш амалга оширилди.

2.6. Математик статистика услублари.

Тадқиқотлар, тажрибалар статистик услубда ишлаб чиқилди. Унда синфларнинг статистик кўрсаткичлари (ўртача квадрат оғма, вариация коэффициенти, корреляция коэффициенти ва бошқалар) ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек, статистик фаразлар (Стьюдент t-мезони бўйича) аниқланди. Барча ҳисоб-китоб ишларида «Windows-Excel» компьютер дастуридан фойдаланилди.

Тасдиқловчи тажрибани ўтказишда: - кўрсаткичларни тўплаш, 5-6 синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги натижаларини қайта ишлаб чиқиш амалга оширилди;

- Стьюдент t-мезони бўйича 7 - 8 - 9 синфлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги аниқланди; 7 - 8 - 9 синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги маълумотлари ўртасидаги

